

*“Хидоят” кутубхонаси*

МАЛБУРИЙ НУСХА

# ЎЛИМ ЙЎҚЛИКМИ?

*Муаллифи*  
**Исмоил ҲАКИМ ўғли**

«Мовароуннаҳр»

Тошкент - 2005

86·2 ғиншунослик

Туркчадан  
Даврон Қобил  
таржимаси

Сўзбоши муаллифи ва муҳаррир  
Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон

Мусаффиха  
Райҳона Холбек қизи

Тартибловчилар:  
Кудратуллоҳ Жума ўғли,  
Маҳмуд Маъмуржон ўғли

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита рухсати  
билин чоп этилди.

© «Ҳидоят» журнали таҳририяти

20.05. 53.92 A	Alisher Navcloy nomidagi O'zbekiston M.
----------------------	---

10



## Йўллов

Инсон хоҳлайдими-хоҳламайдими, ҳаёти-нинг охири бир: ўлим. Ўзини қанча орқага ташламасин, ихтиёrsиз равишда борадиган манзили ҳам аниқ; қабр. Бу ҳақиқатни ҳамма сўзсиз қабул қиласиди.

Аммо ўлимни тушунишда ва ҳиссий қабул қилишда одамлар турли тоифаларга бўлиниб кетадилар.

Мўминлар ўлимни дунёдаги хизматларини адo этиб бўлгач, вазифаларидан озод бўлиб, энди абадий ҳаётларини бошташ учун ҳақиқий диёрларига қайтиш деб қабул қиласидилар, қабрни эса амал дунёсидан ҳисоб-китоб оламига очилган эшик деб биладилар.

Яратганни инкор этувчи, моддиюнчилик ботқоғига ботган кимса ўлимни борликдан йўқликка кетиш деб тушунади. Унингча, дунё фақат мана шу дунё, нарёғида ҳеч нарса йўқ, қабр эса жасадларни ютиб тупроққа айлантириб берадиган аждарҳо гўё.

Бу икки хил тоифа инсонлар дунёда: бири охират учун ишлайди, иккинчиси шу дунёси учун яшайди; бири дунёсини охиратига васила

қиласи, иккинчиси охиратини дунёсига қурбон қиласи. Ўлимдан кейин ҳаёт борлигига ишонган мўминнинг ҳаёти нақадар чиройли, хотиржам ва мазмунлидир. Ўлимдан кейинги ҳаётни инкор қилган кофирнинг дунё ҳаёти эса, нақадар тушкун, чиркин ва маъносиздир.

Ушбу китобча тўғри эътиқодни ва тўғри йўлни ахтараётган, балки уни топишга қийналаётган, иккиланаётган, ҳақиқат сари дадил қадам ташлашга қалbidаги ва ақлидаги нималардир тўсқинлик қилаётган кишиларга айниқса фойдалидир. Муаллиф ниҳоятда билаюнлик билан уларнинг мушкулларини зеҳнларига мос услугуб ва мантиқий далиллар илаҳал этишга ҳаракат қилган.

Севикли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайхи ва саллам), насиҳат истаганга ўлим етар, деганлар. Зоро, ўлимдан таъсирчанроқ, хужжатлироқ насиҳатгўй йўқ. Гап юрак кўзи-кулогининг очиқлигига. Юмуқ бўлса, ҳар куни ўлимга дуч келса-да, кўрмаганга-эшитмаганга олади, бу ҳақда ўйлаб бошини қотириб ўтирамайди.

Аллоҳ таољо ҳаммамизни насиҳатни тинглайдиган, оладиган ва шунга кўра ўзини ўнглайдиган, ақл ва юрак кўзлари очиқ бандаларидан қиссин.

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон

## **Ҳаёт нимадир?**

Ҳаёт ҳаракатдир. У тўрт ҳолатда ўзини намоён этади:

1. Тош, тупроқ, маъдан ва осмон жинслари каби жонсиз жисмларда ҳаёт энергия ҳолатида бўлади.
2. Жонли мавжудотларнинг энг оддий ҳисобланган ўсимликларда энг оддий жонли ҳаёт бўлади.
3. Ҳайвонларда янада ривожланган ҳаёт ва жонлилик бордир.
4. Инсонлар ҳам жонлидир, ҳам руҳлидир. Улар руҳ воситаси билан ақл, шуур каби юксак қобилиятларни ўзларида мужассам этиб, “олий маҳлук” сифатига эришган.

Коинотдаги барча нарса маълум бир низом асосидаги ҳаракат ичиладир. Ҳар бир нарсанни яратган Аллоҳ “Ҳайй”<sup>1</sup> сифати билан тажалли этиб, ҳар бир нарсага ҳаёт берароқ, уларнинг ўзаро ало-

<sup>1</sup>Ҳайй – Аллоҳ таолонинг сифатларидан бири бўлиб, «жонли» ва «тирик» маъносига келади. Аллоҳ ҳаёт соҳибидир, ҳар нарсага У ҳаёт беради.

Қасини таъминлаган ва барча нарса Борлик ҳолатига келган.

Жонли ва жонсиз бутун мавжудотнинг ўзак моддаси атом (зарра)дир. Заррабинларда ҳам кўриш қийин бўлган бу кичик борлиқ энг катта мавжудот билан ўзаро алоқадордир. Кичкина бир чивиннинг ҳам ҳаво қатлами (атмосфера) билан, қўёш, сув ва тупроқ билан мустаҳкам алоқаси бор. Чивин: “Буларнинг ҳаммаси меники”, дея олади ва улардан истаганича фойдаланади.

Ҳаёт борки, кичкина бир данак каттакон дарахтга айланади. Ҳа, ҳаёт туфайли энг кичик нарса энг катта ҳукмини олар экан, энг катта нарса ҳам энг кичик нарсага хизмат қиласи. Бунга қўёшнинг гулга хизмат этиши, гулнинг эса, ўсиб ривожланиши ва ўз рангларида қўёшнинг рангларини кўрсатиши ёрқин мисол бўлади.


Ҳар бир нарсада ҳаёт (тириклик) мавжуд, аммо биз баъзи нарсаларни жонсиз деб ҳисоблаймиз. Ваҳоланки, биз жонсиз деган тошлиар ва темирлар ҳам зарра (атом)лардан ташкил топган. Уларда ҳаётнинг «энергия» деб аталадиган шакли мавжуд.

Зарралар ядро ва электронлардан вужудга келгани маълум. Ўз навбатида ядролар мусбат протон ҳамда зарядсиз нейтронлардан таркиб топган. Электронлар эса, манфий зарядга эга. Шу тариқа ядро электронларни ўзига тортади, улар ҳам ядро атрофида айланади. Мана шу тортиш ва айланиш энергиядир. Бундан ташқари, “ядровий энергия” ёки “атом энергияси” деб аталадиган, радиоактив реаксияларида майдонга келадиган жуда кам миқдорда масса йўқотишлари ҳам бўлади. Масса энергияга, энергия массага айланади. Бунга “масса билан энергиянинг сақланиш қонуни” дейилади. Физика китобларида унинг формуласи ҳам бор, жуда кўп муаммолар шу формула асосида ечилади.

Модомики ҳар бир нарса зарралардан таркиб топган экан, уларда эса ҳаётнинг энергия деб аталувчи шакли мавжуд экан, демак, биз жонсиз ҳисоблаётган мавжудотлар ҳам ўзига хос ҳаётга эгадир. Жонсиз нарсалардаги ўзига хос ҳаёт хусусида китобимизнинг “Тошлилар ҳам тирилади” деган бўлимида тўхталамиз.

Заррабинларда ҳам кўринмайдиган даражадаги кичик зарралардаги ҳаракат

қуёш системасининг ҳаракат тарзига ўхшаб кетади<sup>2</sup>.



Демак, қуёш системасини яратган, интизомли ва тадбирли қилган, унга ҳаракат бериб, бу ҳаракатга давомлилик бағишилаган Ким бўлса, заррани яратган ҳам Удир. Бошқача айтганда, заррани ярата олмаган қуёш системасини ҳам ярата олмайди.

Зарранинг тузилишига такрор назар ташлайдиган бўлсак, ядронинг атрофидаги биринчи айланада икки электрон, иккинчи айланада саккиз электрон жойлашганини кўрамиз. Заррани яратган

<sup>2</sup> Чизмада жуда содда шаклда зарра тузулиши ва қуёш системаси чизилиб, ўхашаш томонлари кўрсатилди. Кенгрок билим олишини истаганлар мавзуга алоқали бошқа китобларга мурожсаат қилишлари мумкин.

Аллоҳ уларнинг тартибли ҳаракатини ҳам  
Ўзи таъминлайди, яъни, заррачалар ара-  
лашиб кетмайди.

Темир зарраси сув билан бирлашса,  
темир оксидланади, яъни, занглайди.  
Олтин сув билан, яъни, кислород би-  
лан ҳеч қачон бирикмайди. Бу қоидани  
сира ҳам ўзгартириб бўлмайди. Демак,  
кимё китобларидан жой олган қонун-  
ларнинг яратувчиси Аллоҳдир. Олимлар  
бу қонунларни топиб, кашф этадилар,  
холос. Мўмин Аллоҳнинг қонунларини  
кўпроқ ўрганиши керак. Бироқ ҳозирги  
даврда бунинг тескариси бўляпти.

Ҳаёт ёрдамида ой ҳам бир вақтнинг  
ўзида тўрт хил ҳаракатни бажаради.

1. Ўз ўқи атрофида айланади.
2. Ер атрофида айланади.
3. Ер билан бирга Қуёш атрофида ай-  
ланади.

4. Қуёш системаси билан бирга, спи-  
ралсимон бир ёй чизиб, Вега буржига  
қараб ҳаракат қиласди.

Хуллас, кичкина бир оламга бўшлиқ-  
да икки хил ҳаракатни бирваракай ва  
доимий қилдира олмаган инсон ойга тўрт  
хил ҳаракатни бир вақтнинг ўзида қил-  
дираётган Аллоҳга имон келтириб, унга

сажда қилишга мажбур. Қуёш система-сининг ҳаракатланиши унинг ҳаётга эга эканини кўрсатади, худди шунингдек, галактикалар<sup>3</sup> ва фазо бўшилиги ҳам ҳаракатланади ва улар ҳам ҳаётга эгадир.

Модомики Аллоҳнинг ҳамма сифатлари ҳар ерда намоён бўлаётган экан, демак, мўмин киши ҳар ерда Аллоҳга итоат ва ибодат қилиши керак.

Зарралардаги энергия шу зарралардан тузилган ўсимликларда ўзини ҳаёт (жонли) ўлароқ намоён этади. Ўсимликларни вужудга келтириш вазифасини олган органик (тирик) зарра (атом)лар у ўсимликларнинг қуриши ё ёниб кетиши билан хизматларидан ҳеч нарса йўқотмасдан, такрор тупроқда ўша вазифаларини давом эттираверади. Шу тариқа зарраларни йўқдан бор қилган Аллоҳ Ўзи жорий этган синтез ва анализ қонунлари-ла у зарралардан моле-

<sup>3</sup> Галактика — ичida қуёш системаси каби жуда кўп системалар бўлган буюк юлдузлар туркуми. Масю, Сомоний ўли ҳам бир галактикадир. Галактикалардан қуёш системасига энг яқин бўлган Вега буржи қуёш системасини ўзига тортяпти. Қуёш системасининг энг чет доирасидаги Плутон Вега буржига кирди дегунча қиёмат қўпади (яна Аллоҳ билади).

кулалар, молекулалардан ҳужайралар ва аъзолар ижод этиб яратади.

Ақли, илми ва онги бүлмаган зарра каби бир борлық фақат ва фақат Аллоҳ-нинг вазифадор бир аскари сифатида жуда катта борлықларниң вужудга келишида хизмат қиласи, иморатга бир фиштча бўлади. Кўриниб турган шу барча биноларниң муҳандис ва усталари бор бўлсин-у, заррадан то ҳужайрагача ва галактикаларгача бўлган муҳташам саройларниң қурувчиси — Сонеъи Ҳаким<sup>4</sup> бўлмасин... ҳеч мумкинми шу?!

Ҳаёт ҳайвонларда янада ёрқин бир шаклда намоён бўлади. Инсонларда эса ҳаётниң энг юксак чўққисини кўрамиз. Инсон жонли бўлиши билан бирга ақл, онг ва хаёл каби тараққий ва такаммул белгиларига ҳам эга. Ҳа, инсонниң ақли туфайли кема, учоқ ва автомобиллар, қисқаси, XX аср тараққиёти (сивилизацияси) юзага келди.

XX аср тараққиёти Аллоҳ берган ақл ҳосиласидир. Шунинг учун ақлли киши

<sup>4</sup> Сонеъи Ҳаким — Аллоҳ таалонинг сифатларидан бўлиб, Сонеъ — жуда чиройли қилиб ясовчи, яратувчи; Ҳаким — ҳикмат эгаси маъноларидадир. Яъни, ҳикмат билан яратган Зот.

унга шу ақлни берған Аллоҳға имон келтириб, унга итоат этиши лозим.

Тириклик туфайли бир нафасли ҳаво үпкаларимизга кириб, ҳаво йўлларидан ўтиб, вужудимиздаги милёнлаб ҳужайраларга тарқалади ва ҳужайралардаги углеродни олиб ташқарига чиқади. Шу тариқа сиҳатимиз таъминланяпти ҳамда танамизнинг ҳарорати ўттиз олтию етти даражада ушлаб турилибди. Танамиз ҳароратининг бир хиллигини таъминловчи Аллоҳ биз чиқарган ҳавони ўсимликларга озуқа қилиб берган. Ўсимликлар карбонат ангидридни ютиб, кислород чиқаради. Улар чиқарган кислороддан биз такрор нафас оламиз ва соппа-соғ яшаймиз. Ҳуллас, ўрмонларнинг нафас олиши билан инсоннинг нафас олиши орасида гаройиб бир алоқа бор, бу алоқа ҳаётни яратған ва ҳар нарсага ҳаёт берган Аллоҳнинг бугун борлиқни қамраб олган Низомидан бир парчадир, холос.

Автомобил каби ўзини ўзи ҳаракат қилдирадиган жисмлар Аллоҳ яратған энергиядан фойдаланиб ясалгандир. Автомобилни ясаган уста жонли бир нарса ясамаяпти, балки Аллоҳ берган энергияни татбиқ этиб, ҳаракат ҳосил қиляпти.

Масалан, электр үзини иссиқлик, ёруғлик ва овоз шакларида билдиради. Электрни Аллоҳ яратмаса эди, магнитафон ва радиони ясаш мумкин бўлармиди? Бензин ва оҳан (магнит) бўлмаса эди, йигирманчи аср бўлармиди?

## *Ўлимнинг ўзи бир борлиқ*

Борлиқлар моддий ва маънавий қисмлардан иборатdir. Масалан, оч қолиш, кўрқиш, хаёл суриш, изтироб чекиш каби маънавий борлиқлар кўзга кўринмайди, қўл билан тутилмайди, лекин бажарган ишлари билан ўзларини кўрсатади. Туш кўрмаганга тушнинг нима эканини англатиш мумкин бўлмаганидек, тиши оғримаган одамга ҳам тиш оғригини англатиб бўлмайди. Шунинг учун “Руҳий ҳодисалар ҳис қилиш билан билинади”, дейишади.

Бинобарин, ўлим ҳам маънавий бир борлиқdir, унинг ўзини кўрмасак ҳам, қилган ишларини кўрамиз. Ўлим борлиқ ҳисоблангач, ўлганларнинг йўқликка кетиши мумкин эмас. Ўлим ҳолат ўзгаришидир. Биз руҳлар оламида ўлиб, онамизнинг вужудида тирилдик, она-

мизнинг вужудида ўлиб, дунёда тирилдик, энди дунёда ҳам ўламиз, қабр эшигидан ўтиб, охиратда қайта тириламиз.

Ўлим ҳолат ўзгариши бўлгач, “дарахт ўлди”, деб бўлмайди. Чунки унинг данаги қолади. Данакни тупроққа кўмсак, униб чиқади, яъни, ёш ва гўзал бир кўринишда қайта тирилади.

Данакни ҳеч қачон йўқ қилиб бўлмайди. Уни есак, озуқа, ёқсак, иссиқлик бўлади. Чириндиси эса, ўфит бўлиб тирилади. Ерга сепсак, тупроққа аралашади, тупроқ эса, ўсимликлар вужудида тирилади.

Улкан ўрик дараҳтини кичрайтириб, данак исмли тобутға солган Аллоҳ данакнинг вужудида бир вақтнинг ўзида ўлим ва ҳаётни мужассамлаштиради. Масалан, стол устига қўйилган данак ўлик, аммо у айни вақтда тириkdir, чунки у тупроққа кўмилса, ўса бошлайди. Шунингдек, тобутдаги инсон ҳам дунё нуқтаси назаридан ўлик, охират жиҳатидан эса тириkdir. Чунки инсон бир уруғ, бир данак каби тупроққа кўмилади, қабр эшигидан ўтиб, охират ҳаётини давом эттиради.

Ўлим ҳаётнинг зиддидир. Зид нарса-

лар бир-бируни тўлдириши эътиборга олинса, ўлим ҳам ҳаётни поёнига етка-зади. Шунингдек, ошқозонимизда ўлган озуқалар бизга ҳаёт бўлади. Замон дарёсида оқаётган моддаларнинг бир (тирик) ҳолатдан бошқа (ўлик) ҳолатга ўтишини ўзгарувчан токнинг фаза ва ампли-тудаси даврларига ўхшатишимиш мумкин. Сигир еган ўтлар ўлади. Ўлган ўтлар сигирнинг вужудида тирилади, гўшт, сут ва бузоққа айланади. Сигирнинг гўнги ўтларнинг илдизида қайта тирилиб, ўсимлик бўлади. Гўнглар тирилаётган бу оламда инсоннинг тирилмасдан мозорда ётиши ақлга ва илмга зиддир.

## *Toшлар ҳам тирилади*

Умуман жонсиз ҳисобланган тошлар тирилар экан, тупроққа айланган инсонларнинг тирилмаслиги мумкин эмас.

Қоялар парчаланиб шағал бўлади, шағаллар майдаланиб қум бўлади, қумлар ҳам майдаланиб тупроқ бўлади. Демак, қоялар тупроқни таъминлайди.

Геология китоблари ёрдамида дунё илк яратилган даврга илмий саёҳат қилисак, ер хоҳ қуёшдан ажралган бўлсин,

хоҳ газ булутларининг зичланишидан шакланган бўлсин — ҳар икки ҳолатда ҳам дунё дастлаб ҳавосиз, сувсиз ва тупроқсиз қаттиқ жисм парчаси ёки тошдек қаттиқ бир жисм бўлганини кўрамиз. Бу улкан тош ёки қаттиқ жисм парчасидан денгиз, атмосфера ва минглаб турли жонзотларни яратган Аллоҳ дунёни тақрор молекулалар ва ёки зарралар ҳолига қайтарса, иккинчи марта янгидан жонлиларни яратада олмайдими? Қийин бўлса, илк яратиш қийин бўлиши мумкин, қайта яратиш осонроқдир. Демак, қиёмат қўпса, ҳар бир нарса кулдек кўкка совурилса, Аллоҳ бугун жонзотларни қайтадан яратада олади. Айниқса, ўз ихтиёри билан бир қанча яхши ва ёмон амаллар қилган инсонлар учун Маҳкамай Кубро (Олий суд) қуради, яхшиларга мукофот, ёмонларга жазо беради.


Маълумки, темир занглаб чирийди. Чириган темирлар тупроқ бўлади, тупроқ ўсимликлар танасида тирилади. Темирлар тирилаётган бу оламда инсонларнинг қайтадан тирилишига гумон қилиб бўладими ахир?!

Истасангиз, бундай бир бир тажриба ўтказиб кўринг. Катта бир тошни олиб,

ун ҳолатига келгунича яхшилаб майдаланг. Кейин бу тош унини бир тувакка солиб, ичига бир данак ёки уруғни кўмиб қўйинг. Ўсимлик ўса бошлайди. Аммо ўсимлик етарлича ривожланмайди, чунки тош қумида органик моддалар етарли эмас. Агар тувакка озгина гўнг солинса, ўсимликларнинг чиройли ўсиб-ривожланаётганини кўрасиз. Тош уни билан гўнг ўсимлик вужудида ана шундай тирилар экан, ўлган инсоннинг қайта тирилишига ишонмай кўринг-чи! Тош уни ва ҳайвон гўнгига шундай тирилиш хусусиятини берган Аллоҳ энг мукаммал маҳлуқ бўлмис инсонни ўлдириб, қайта тирилтира олмайдими?

Ҳа, тошлар тирилади, Аммо Аллоҳнинг раҳматидан насибасини ололмай тошдек қотган қалблар...

Гўнглар тирилади, лекин ахлоқсизликнинг ифлос ва тубан ҳаётини маданият ҳисоблаган инсонлар исломиятнинг моддий ва маънавий оламларида тирилмаслиги мумкин. Ҳолбуки, ҳар ким учун тавба эшиги доимо очиқдир. Чунки тирилишимиз каби, тирилиб жаннатга кетишшимиз ҳам муҳим.



## *Хужайрада ҳаёт*

Инсон танасидаги энг кичик борлиқ ҳужайра эмас, балки зарра (атом) ҳисобланади. Зарралар ўзига хос энергия манбай бўлиб, жонли ва жонсиз барча нарсанинг асосини ташкил этади. Бундан ташқари ҳар бир зарра жуда кўп мавжудотлар вужудида муайян вазифани энг мукаммал равишда адо этгани ҳолда, ўзидан ҳеч нарса йўқотмайди. Жуда кўп ишчи ва хизматчилар бутун диққат-эътибори билан ишлаб, баъзан ўз ишларида хатоликка йўл қўйишлари мумкин, аммо ақди, илми ва тажрибаси бўлмаган зарралар энг гузал бир шаклда вазифаларини адо этадилар. Бу ҳол зарраларнинг Аллоҳ амри билан ишлаетганини кўрсатади. Зарралар инсон деб атадиган саройнинг фишларилир. Маълумки, бир саройнинг қурилиши ашёлари уз-ўзидан пойдевор, девор ва устун бўлолмаганидек, зарралар ва зарралардан майдонга келган молекулалар ҳам ўз-ўзича инсон саройини қура олмайди. Бу ишни зарралардан барча нарсани ясаган ва яратган Нозими Мутлақ Аллоҳ қиласиди<sup>5</sup>.

<sup>5</sup> Нозими Мутлақ — мутлақ (*хатосиз, мукаммал*) низом, тартиб берувчи маъносида.

Тез-тез күряпмизки, биноларни йиқитиб, қайтадан қуришяпти. Ажабо, инсон биносини қурған Аллоҳ уни йиқитиб қайтадан қура олмайдими?!

Зарралардан молекулаларни, молекулалардан ҳужайраларни яратған Аллоҳғоят кичик бу ҳужайраларга күпайиш, сезиш, озиқланиш ва ўлиш каби инсонга хос хусусиятларни берган. Ҳужайра гүё бир инсон каби яшайди. Бинобарин, инсоннинг вужудида ҳужайра деб аталаған милёнларча кичкина инсончалар яшайди, деса бўлади.

Бир инсон вужудида милёнларча ҳужайрани инсондек яшатиб қўйтан Аллоҳ балиқнинг қорнида Юнус алайхиссаломни яшата олмайдими?!

Зарралардан молекулалар, молекулалардан ҳужайралар, ҳужайралардан эса инсон яралгандир.

Энди коинотга назар ташлайлик:

Зарралардан молекулалар, молекулалардан осмон жисмлари, осмон жисмларидан Куёш системалари, Куёш системаларидан эса галактикалар қурилган.

Демак, инсон кичрайтирилган бир коинотдир.

Демак, коинотни яратған ким бўлса,

инсонни яратган ҳам Удир. Инсонни яратта олмаган зот, коинотни ярата олмайди. Демак, табиат яратувчи эмас. Ҳеч бир нарса ўзини ўзи ярата олмайди. Ҳар нарсани яратувчи ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзидир.

Табиат бир санъат асаридир, санъаткор бўла олмайди. Табиат бир китобдир, котиб бўла олмайди. Табиат бир нақшдир, наққош бўла олмайди.

Ҳужайра илми билан шуғулланадиган соҳанинг (гистология) кўзга кўринган олимларидан Алекси Карел ҳужайра устидаги қилган илмий ишлари ва тадқиқотларидан кейин “Инсонлар, уйғонинг” ва “Инсон мажхулдир” номли иккита асар ёзди. Олим бу китобларида инсонларни уйғотиб, табиат исмли бутдан воз кечиб, Аллоҳга имон келгиришга чақиради.

Шу соҳанинг олимларидан бири билан суҳбатда: «Сизларнинг тадқиқотларингизнинг аҳамияти жуда катта», дедим. У: «Нега бундай деб ўйлайсиз?» деб сўраб қолди. Тушунтира бошладим.

Ҳар жонлининг ҳужайраси бир-биридан фарқли ясалган. Масалан, маймун ҳужайрасидаги хромосомалар сони билан инсон ҳужайрасидаги хромосомалар сони бир хил эмас. Фақатгина электрон

микроскоплар билан кўрилиши мумкин бўлган айрим хромосомалардаги генларга “наслга тортиш” хислати жойлаштирилгандир. Янги туғилган чақалоқнинг қариндошларидан бирига ўхшашини илм ген тушунчаси билан изоҳлайди...

Энди ўйлаб кўрайлик, кичкина бир генга бир инсоннинг кўз, қулоқ, бурун тузилиши қандай жойлаштирилган? Ҳар бир жонзотнинг аввали битта ҳужайра бўлса-ю, қандай қилиб ҳар бир ҳужайрадан бошқа-бошқа вужуд шакланяпти? Бири маймун, бириси инсон, бири сигир, бириси мушук бўляпти? Ҳужайрадан ҳар хил вужудлар яратиш ва бир жинсга турли шакллар бериш тасодиф бўлиши мумкин эмас. Инсоннинг кафтдеккина юзида инсонлар соничалик чехра фарқлилиги бор. Ҳеч ким бошқа бирорга тўлигича ўхшамайди. Расмларни кузатсангиз, инсоният тарихида ўтганларнинг қиёфалари бир-биридан фарқли эканини кўрасиз. Демак, илк инсонни яратган Зот бутун инсонларни ҳам яратганки, ҳар кимнинг юзини бир-биридан фарқли қилган. Инсоният низоми бўлган исломият шартлари унга татбиқ этилиши учун

инсонларнинг юзлари турлича яратилган. Юзлари бир-бирига ўхшаса, унда ҳар кимса бир-бирининг уйига кириб кетаверар ва никоҳнинг шартларини татбиқ этишининг имкони бўлмас эди.

Заррадан коиноттагача ҳар нарсага ҳоким бўлган Аллоҳ шу тарзда никоҳ билан генни бир-бирига алоқадор қилиб қўйди. Генлар орқали инсонларни фарқли қилган Аллоҳ никоҳ билан оила ва турмуш қуришни буюрди.

Бу қадар буюк ва мукаммал низом ўткинчи бўла оладими?! Бу низомни яратган ва давомли қилган Зот охират низомини ярата олмайдими?!

Ҳалиги олим менинг бу тушунтиришларимни илмий ҳақиқатларга тўғри келишини айтди. Сўнгра деди: «Фақат бунда «физик оламдан бошқа» маъносидаги метафизикадан баҳс этилади. Аслида, ҳамма илм чегаралидир. Ҳар илмнинг чегараларидан унинг ташқариси кўринади. Мана шу биз таплашаётган генларни микроскопларда кўришимиз мумкин, аммо бу геннинг ич қурилиши гистология ва ё анатомия илмларининг ташқарисига чиқиб кетяпти. Генни қўйиб туринг, ҳатто микробларнинг ич аъзола-

ри бор. Ҳатто микроскоп остида қилган тадқиқотларимизда микробларнинг хабарлашаётганини тушуниб етдик. Кичкинагина микробларнинг инсонга оид бутун ҳаракатларни қилиши ва уларнинг ич аъзоларининг бўлиши, кейин... ҳа, кейин... шунча қилган ҳаракатларимизга қарамай, микроблардек жуда кичик маҳлуқларга тенг кела олмаслигимиз кўрсатадики, микробларнинг ва ҳар нарсанинг эгаси бўлган бир Яратувчи бор. Илм уммонида чўкиб кетмаган одам имон соҳилига албатта чиқади».

Бу ҳақиқатларга буларни ҳам кўшимча этишимиз мумкин: Ҳужайралар, ҳар бир жонлида айри-айри вазифани бажарди. Мушукнинг мияси ҳам, инсоннинг мияси ҳам ҳужайралардан тузилган, аммо инсоннинг мияси компьютер деб аталадиган “электрон миялар” ясай олгани ҳолда мущукларнинг мияси фақат табиий ҳаётини ўтказишга ярайди. Агар Аллоҳ инсоннинг бошига мушук мисини жойлаб қўйса эди, маданият ва ривожланиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Демак, маданият неъматларидан фойдаланаётган инсонлар ўзларига

инсон миясии берган Аллоҳга имон келтириб, Унга итоат этишлари лозим.

Жонли организмлар ҳужайра фиштларидан қурилган бир саройдир. Бурнимиздаги ҳужайралар ҳид, тилимиздаги ҳужайралар таъм билади, қулогимиз эшилтади, кўзимиз кўради. Ҳужайрадек бир нарсага турли ишларни қилдирган Аллоҳ ўша ҳужайраларни охират оламидя яшата олмайдими?! Ибдоъ ва Иншо сифатларига эга бўлган Аллоҳ дунё ва охиратни яратди, яратганларига ҳаёт ва низом берди.

## ***Бир қозонда қирқ хил таом***

Баҳор яқинлашиши билан деҳқончилик ишлари бошланади. Деҳқон турли уруғларни турли ерларга экади. Ўлик каби тупроққа кирган уруғларнинг усти ёпилади, зоҳиран йўқ бўлди ҳисоб.

Секин-аста ҳаволар исий бошлайди. Дала гўёки бир қозон, қуёш эса бу қозоннинг ўчоги бўлади. Илдизлар оламида қозон қайнай бошлайди. Қозон қайнай бошлаши билан овқатлар ҳам пишади. Тарвуз, қовун, қовоқ, жўхори,

пиёз ва картишкаларнинг ҳар бири бир таомдир. Дала деб аталадиган бир қозонда қирқ хил таом бир пайтда пишади ва бу таомларнинг таъми, ҳиди ва ранги бир-бирига аралашиб кетмайди.

Тупроққа гүёки жонсиз ҳолатда кўмилган уруғлардан мазали, хушбўй ҳидли, ранго-ранг ва лаззатли озуқаларни яратган Аллоҳ ўлган инсонларни тирилтира олмайдими?! Ўзига итоат этгандар учун эса жаннатни яратиб, уларга мукофот бера олмайдими?!

Жаннатдек жойларни яратган Зот жаннатнинг ўзини яратса олмайдими?!

Тупроқдек оддий бир нарсадан ҳар қандай мўъжизани яратса оладиган Зот тупроқ бўлиб кетган инсонларни такрор тирилтира билмайдими?! Охиратдаги ҳаётларини давом эттира олмайдими?

### *Дунёдаги энг катта ширкат*

Жонли мавжудотлар сув, ҳаво, тупроқ ва қуёшдан бири бўлмаса, яшай олмайди. Бу тўрт маҳлук бир-бирига шундай боғлиқки, гүё улардан Аллоҳ катта бир ширкат қурган. Бу ширкат жонли мавжудотларнинг яшашига қулайлик яратиш билан машгул.

Фирт оловдан иборат қуёш дунё учун ҳаёт сабабларидан биридир. Оловдан ҳаёт яратган Зот ерни шундай бир масофага жойлаштирганки, на ёнамиз, на музлаб қотамиз.

Шунингдек, Аллоҳ ернинг ўқига шундай бир эгиклик берганки, бунинг натижасида фасллар алмашади. Ҳар фасл дунёга ҳар хил озуқа омборини очади. Ошқозонларни яратган Аллоҳ у ошқозонларга ризқни ҳам ўзи юборади.

Бир чумоли ошқозонининг эҳтиёжларини таъминлаб турган Аллоҳ абадият истайдиган бандаларининг хоҳишини рад этиши ҳеч мумкинми?! Бермайдиган бўлганида хоҳлаттиармиди?!

Агар еримизнинг ўқи 23 градус 27 дақиқа бўлмасдан, текис бўлсайди, ҳар доим илк баҳор мавсумини яшардик, ҳеч қайси мева ва кўпгина сабзавот пишиб етилмас эди.

Адирларни, иқлиmlарни, жонзотларни яратган, Қутб юлдузини шимолий ярим шар томонга тақиб, бандаларига тўғри йўлни кўрсатган Аллоҳ бу дунёнинг мураккаб ҳаёти ичида адашиб юрганларга абадий саодат йўлларини кўрсатмаслиги ҳеч мумкин эмас!

Күёш, ҳаво қатлами, сув ва тупроқлар билан бандаларини озиқлантираётган Аллоҳ бандалари ўлиб, тупроққа аралашиб кетса ҳам, уларни биринчи марта яратганидек, иккинчи марта тақрор тирилтиради, ётган қабрларидан турғазиб, охират ҳаётига йўллайди.

## *Томсиз фабрикалар*

Дунёning бутун олимларини тўплаб, уларга жуда катта пул берилса ҳам, биттагина олмани ясай олмайдилар. Мабодо ясай олган тақдирларида ҳам, бу олмани сотиб олишга кимнинг пули етарди?!

Ховлидаги олма дарахтига қараймиз: ердан бир метр кўтарилиган танасини ва шохлари учидаги осилган олмаларни кўрамиз. Ё Парвардигоро, бўйи бир метр, диаметри ўн сантиметр бўлган бир дарахт фабрикага ўхшаб ишляпти, тупроқдан олма қиляпти. Ер остидаги тупроқ бир метр юқорига кўтарилиб, олмага айланяпти. Яна қанақа олмага: ажойиб рангли, бетакрор ҳидли ва ниҳоятда мазали! Қора тупроқни бу даражада тирилтираётган Аллоҳ қора ерга кирган бандаларини тирилтира олмайдими?! Даля ва

боғларни фабрикадек ишлатаётган, кичкина бир асаларининг меҳнати билан бизларга асал едираётган, товуқларни тухум фабрикаси қилиб қўйган, шур денгизларда тузсиз балиқларни яратиб, уларни бизга ризқ қилиб беряётган Аллоҳ абадий ҳаётда абадий зиёфат ҳам бера олади!

Ҳар бир фабриканинг маълум бир низоми, дастури бўлади. Томсиз фабрикаларга тўла бу дунёning низоми, дастури Аллоҳнинг ҳақ дини Исломдир. Ҳар бир низом ўзига бўйсунган кишиларга мукофот, осийларга жазо тайинлаганидек, гуноҳ ишни учун жазони ёки савоби учун етарлича мукофотни дунёда олмаганлар охиратда жанинат ва дўзах орқали ҳисоб-китоб қилинади.

## *Тупроқдан ҳар нарса яратиляпти*

Тупроққа экилган битта уруғдан юзлаб ўсимлик униб чиқади. Бу ҳодисанинг бир фоизи уруғта оид бўлса, қолган тўқсон тўққиз фоизи тупроққа тегипши. Шундай қилиб, тупроқ ўсимликка айланади. Тупроқдан униб чиқсан ўтни сигир ейди. Тупроқда тирилган ўсимлик сигирнинг

оғзида ўлиб, вужудида қайта тирилади — сут, гўшт ва бузоқ бўлади. Тупроқдан ўт, ўтдан эса бузоқ. Шундай қилиб, бузоқлар ҳам тупроқдан яратилади.

Тупроқдан ҳар нарсани яратган Аллоҳ уларни яна такрор тупроққа айлантиради. Сигирнинг гўнги далага тушади, гўнгли тупроқда ўсимликлар яхши ўсади. Демак, гўнг ҳам ўсимликлар вужудида қайта тирилади. Гўнглар тирилаётган бу оламда инсон тирилмайдими?! Инсон гўнгдан ҳам қийматсизми?! Гўнглар тирилади-ю, инсонлар тирилмасдан қабрда ётадими?! Қон билан сийдикдек нажаслар орасидан бизлар учун сутдек бир ҳалол ва энг чиройли озуқалар тайёрлаб бераётган Аллоҳ “жаннат” деган абадий саодат уйини ва “дўзах” деган жазо жойини ҳам тайёрлай олади, тайёрлаб қўйибди!

Буғдойнинг неча марталаб ўлиб-тирилишидан юзага келган нон инсон вужудида қайта тирилиб, баданларига жон, оёқларига мадор ва қувват бўлади. Ейилган нонлар ва ичилган сувлардан тирноқлар ва соchlар ўсади, қўзлар кўришда давом этади, қулоқлар эшитади ва бугун моддий ва маънавий аъзолар ўз ўрни-

да ишлайди. Буларнинг устига, болалар ҳам туғилади. Шундай қилиб, нон билан сув эр-хотиннинг вужудида тирилади, чақалоққа айланади. Дунёдаги ҳеч бир фабрика ўзини ўзи ясай олмайди, аммо инсон деган фабрика, ўзиdek санъат ажойиботини — бир болани яратади. Бироқ боланинг яратилишини фақатгина ота-онага боғлаб қўйиш тўғри эмас. Зеро, ота-онанинг буйраги қаерда бўлса, боланики ҳам ўща ердадир. Юрек ва қон томирлари ҳам бир хил бўлди. Демак, ота-онани яратган Зот ким бўлса, болани яратган ҳам Ўшадир.

Нон буғдойдан, буғдой эса тупроқдан яралган. Демак, нон еб, сув ичган ота-онанинг боласи ҳам тупроқдан яратилгандир. Одамнинг (алайҳиссалом) лойдан яратилганига ҳайрон бўлган ва ишонмаган инсонлар ўзларининг тупроқдан яратилганини унутиб қўйяптилар. Тупроқдан унган сабзавот ва меваларни еган инсон ҳар ерда ва ҳар замон инсондир, аммо исломиятни яшамаганлар инсонийликни йўқотган ҳисобланади. Инсонийлигини йўқотганлардан ҳар хил ёмонликлар келади.

## *Гўнглар тириларкан*

Сунъий ўғитнинг фойдаси ва баракоти бор. Аммо энг катта хазиналардан бири табиий ўғитdir, гўнгdir.

Гўнг ўсимлик илдизларида тирилади-ю, ўлган инсон тирилмайдими?!

Гўнгли тупроқлардан мўл ҳосил олинишини ҳамма билади. Агар дала ўғитланмай буғдой экилса, сочилган уруғга нисбатан бор-йўғи икки баравар кўп ҳосил олиш мумкин. Ўғитлаб экилган дала эса қирқ, ҳатто олтмиш баравар кўп буғдой ҳосили беради.

Гўнглар зоҳиран ифлос, ҳақиқатда эса хазинадир. Аслида, Аллоҳ ҳеч бир нарсани ифлос, хунук ва заарли қилиб яратмаган. Ҳар қандай ёмонликни инсоннинг ўзи, ўз қўли билан бажаради. Масалан, гўнгни устимизга сочиб, бошимизга суртсак, ифлос бўламиз, лекин далага, полизга сепилган гўнг неъматdir.

Аллоҳ ҳар бир нарсани фойдали этиб яратган. Ҳеч бир нарсани бекорга ташлаб қўймаган. Инсон мева ва сабзавотларни ейди, уларнинг бир қисми гўнг бўлиб ташқарига чиқади. Бу гўнглар ўсимликларнинг илдизида такрор тири-

лади, неъмат бўлиб, озуқага айланади ва инсон ошқозонига тушади. Олма, шафтоли ва пўртақолга бир қаранг ва гўнгни ҳам эсланг. Аллоҳ гўнгдек ифлос бир нарсадан шафтолидек гўзал нарсаларни яратар экан, буни кўриб, абадий саодат сабаби бўлган исломиятнинг қадрини билмай, исломий ҳаётда яшамай, бу дунёни ўзига зиндан қилса, бунақа бир тушунчага жаҳаннам керак, албатта.

## *Икки ўлик битта тирикка айланмоқда*

Биз жонсиз ва ўлик деяётган ҳар бир нарса тирилади. Тирилмайдиган ҳеч бир нарсани кўрсата олмайсиз. Истасангиз, шундай бир тажрибани қилиб кўринг. Яримта нон олинг, унинг ичиға биттагина буғдой уругини жойлаб сув куйинг. Буғдой майса бўлиб ўсади, тирилади.

Энди бу икки ўликдан бирини — нонни қўлга олиб, унинг аввалги босқичларига бир назар ташлайлик. Экин ўриб, ўлдирилади. Тирик буғдой қолади. Уни бошоқдан ажратиб, тегирмонга олиб бориб яхшилаб янчиб яна ўлдири-

лади, ун ҳолига келтирилади. Ундан ҳамир қилинади, ҳамир иссиқда ўлдирилса, нон бўлади. Кўриб турганингиздек, нон қайта-қайта ўлдиришнинг маҳсулидир.

Иккинчи ўлик эса, буғдойдир. Яшил экин ўрилса, қуриб сап-сариқ бўлади. Ўроқ билан ўрилган буғдойни ҳам ўлик ҳисоблашимиз табиий. Тўғрими?

Ўлик нон ичига ўлик буғдойни қўйиб, уларга сув берилганида ям-яшил майса униб чиқади. Сув қўйишда давом этсак, экин бошоқ солганини кўрамиз.

Инсон ўлиб, қабрда чириб кетган тақдирда ҳам ноннинг тирилишига ўхшаб, яна қайта тирилади. Инсон ўлиги уруғ каби тупроққа киради. Ўлик тупроқ ва ўлик инсон бир-бири билан мустаҳкам боғланади. Инсон ҳам уругларнинг тирилиши каби охират ҳаётида қайта тирилади ва дунёдаги ҳаётининг ҳисобини беради<sup>6</sup>.

---

<sup>6</sup>Шу ўринда ҳозирги замон илми аниқлаган бир ҳақиқатни иқтибос қилиб келтирсак.

“Англия микробиолог олимлари инсоннинг умуртқа поғонаси ичida жуда ҳам кичкина бўлган инсоннинг жавҳари— уруғи борлигини аниқлашди. Бу жавҳар ҳатто жуда юқори ҳароратга ҳам бардош бера оладиган қобиқ билан ўралган экан. Шуниси

## *Абадият музейи*

Ҳар бир мамлакатнинг энг катта музейлари бор. Аммо ер юзи ҳам улкан бир музейга ўхшайди. Ер юзи музейида Аллоҳнинг санъат асарлари намойиш этилади. Шундай эмасми?

Санъат асарининг қадрига ҳунармандлар етади. Учоқларга лол қолаётганлар чивиннинг ҳам, дунёмизнинг ҳам бир учоқ эканини эсдан чиқармасликлари лозим. Маланият қанча тараққий этмасин, инсонлар чивиндеқ кичик, дунёдек улкан бир учоқни ясай олмайди. Чивиннинг кичкина бошига радиолокаторлар, жиҳозлар жойлантирилган. Унинг ёнилғига ё қўналғага эҳтиёжи йўқ. Бундай мукаммал санъат асарини эзгиласак ҳам, ҳеч ким бизга

---

ажабланарлики, инсон жавҳарининг қобигига ҳар хил кимёвий моддалар таъсир эттирилганида ҳам у ўз хусусиятини асло йўқотмаган. Бу тажрибалардан инсон жасади ёниб ёки тупроқ остида чириб, йўқ бўлиб кетса ҳам, унинг жавҳари асло чиримаслиги маълум бўлди.

Англия микробиологлари: “Махсус бир шароитда бу жавҳардан инсоннинг янги жасади шакланниб, сўнгра у қобиқни ёриб чиқиши мумкин”, деган илмий фаразни айтмоқдалар” (Таржимон). “Тавҳид”. “Мехнат” нашириёти. 1991, 16-бет.

жазо бермайди. Демак, энг мукаммал санъат асарлари ҳам Аллоҳнинг илми ва қудрати олдида жуда оддий нарса бўлиб қолади. Энг мукаммал санъат асарларини ғоятда осонлик билан яратган ва уларнинг ҳаётларини давом эттираётган Аллоҳ охират оламини ярата олмайдими?!

Дунёмиз ҳам улкан бир учоқ. Тоғларни, уммонларни ва инсонларни елкасига олиб учиб кетяпти. Хўш, дунёмизнинг йўналишини ким белгилаган? Кувватини ким бераётибди? Ким бу улкан жисмини идора қиляпти?

Барча юлдузлар ва сайёralар, ҳатто коинот ҳам «Аллоҳу акбар» ибораси ёнида кичик бўлиб қолади.

Бу коинотни бир кўргазма, бир музей сингари кўзимиз ўнгига ёйиб қўйган Аллоҳ бизга кўринмайдиган оламларни ҳам яратгандир.

Телескоплар, микроскоплар, хаёл ва илм кўра оладиган оламлар ёнида кўринмас оламлар ҳам бор. Кўринмас оламларнинг кўпини илм ҳам инкор этмайди. Шундай экан, кўринмаяпти, деб охиратни инкор этиш кўзимиз кўра олмайдиган ҳар нарсани инкор қилишга сабаб бўладики, бу ҳол ақлга ва илмга зиддир.

Музейларда бебаҳо ашёлар асрлардан бери муҳофаза қилинади. Ўша ашёларнинг барчасидан ҳам қийматлироқ бўлган кўзларимиз, буйрак ва мияларимиз фақатгина олтмиш ёки тўқсон йил учун яратилган эмас. Аъзоларимизнинг қиймати улар абадият музейи учун яратилганини, абадийан яшаяжакларини кўрсатади. Демак, ўлган инсон йўқликка, ҳечликка кетмайди, балки абадият музейига кетади.

Уйидаги пиёласи синишини истамаган инсон, юз сўмлик пиёланинг юз йилга етишини истаган инсон ўша пиёлага қараганда жуда юксак қадр-қийматга эга бўлган ўз борлигининг саксон йил учун яратилганини, ундан кейин эса йўқ бўлишини қандай қабул эта олади?!

## *Йўқлик йўқдир*

Нон йўқ, сув йўқ, одам йўқ, дея оласиз. Бу «йўқ»лар мутлақ йўқликни билдирамайди. Масалан, бир пўлат соқقا ичидан ҳаво бутунлай сўриб олинса, соққанинг ичидаги ҳеч нарса йўқ дея олмайсиз, чунки бўш пўлат соққанинг ҳажми бор, ичи мутлақ бўшлиқни билдирамайди.

дирмаяпти. Фазонинг қаърларида ҳам бўшлиқ йўқ. У ерларда ҳам эфир қатламлари ёки бошқа номлар билан атальувчи ионлар тўладир.

Физика овоз тўлқинлари ҳаммол тўлқинларга миниб олиб тарқалишини айтади, бироқ ҳаммол тўлқинларнинг ўзи нимага таяниб ёйилишини изоҳламайди. Бу эса, ҳаммол тўлқинлар мутлақ бўшлиқларда юради, деган маънони билдирамайди.

Математикада нўл рақами йўқликни кўрсатади. Аммо нўл қай даражада йўқлик бўлса, шу даражада борлик ҳам эканини математиклар яхши билишади. Масалан, нўл рақами икки рақамининг ўнг ёки чап томонига қўйилса, икки хил қийматли рақам ҳосил бўлади.

Модомики йўқлик йўқ экан, ўлган инсон ҳам йўқликка кетмайди. Йўқлик борликнинг зиддидир. Дунёмиз нисбий бир олам, яъни, ҳар бир нарса бошқа бир нарсага кўра бор ёки йўқ ҳисобланади. Ҳар бир нарса зидди орқали тушунилади. Инсонлар узоқ йиллар қоронгуликда қолса, ёруғликнинг нима эканини билмас эди. Доим аччиқ нарсалар еб юрган одам шириннинг нималигини

билимаслиги аниқ. Яъни, ҳар бир нарса-нинг қадр-қиймати бошқа бир нарса билан қиёсда аниқланади. Буни нисбий олам, зидлар олами дейилади.

Абадият сифатига эга бўлган Аллоҳ ўзи яратган баъзи нарсаларига абадийлик бера олади. Охират олами нисбийликдан чиқиб, абадият сифатига молик бўлади. Дунёмизда абадиятнинг белгиларини намоён эта-диган нарсалар кўп, аммо йўқликнинг белгисини кўрсатувчи ҳеч нарса йўқ. Йўқликни хаёл ҳам қилиб бўлмайди. Коинотнинг борлиги, Аллоҳнинг барча нарса устидан ҳокимлиги ва ҳокимлигини давом этириши, сўнгра тушлар ва мозий — булар ҳаммаси охиратнинг борлигини билдиради. Яъни, охиратнинг борлигига жуда кўп мисоллар келтириш мумкин, аммо йўқликка доир битта ҳам далил кўрсатиб бўлмайди.

## *Барча нарса Аллоҳнинг аскаридир*

Аскарлик қонун-қоидаларидан бехабар киши, таълимдан бўш пайти ўз ҳолиҷа истироҳат қилиб юрган аскарларни кўриб: «Тарқалиб кетган шунча ас-

карни қайта тўплаш жуда қийин», деб ўйлайди. Лекин сурнай чалинар-чалинмас аскарларнинг тез тўпланиб, гурух-гурӯҳ бўлиб сафланганини ва дарҳол қандайдир интизомли ҳаракатлар қила бошлаганини кўриб, ҳайрон қолади.

Аллоҳнинг ўсимликлардан иборат лашкарлари ҳам баҳор келиши билан гўёки тўпланиш сурнайи чалинганидек, қисқа бир вақт ичидагулларини тақади, ям-яшил япроқларини чиқаради, қизил, яшил ва сариқ ранглар билан безанганди кийимларини кийиб, маросимда иштирок этади.

Сабзавот, мева ва гўштлар дунёning тўрт томонидан келиб вужудимизда тўпланади, олти килолик бола бу озуқаларнинг тўпланиши билан олтмиш кило бўлади. Шунингдек, бу озуқаларнинг қуввати билан инсон ҳар турли ишлар қиласи, ҳаёти бўйи яшаб, сўнгра ўлади. Вакти келиб, Аллоҳ инсонларни такрор оёққа турғазади ва ҳаётининг ҳисоб-китобини улардан сўрайди.

Қиша бизнинг диёрларда буғланадиган сув манбаи йўқ, лекин осмонимиз кўпинча булуғли бўлади. Хўш, улар қаердан келади?

Экватор минтақасида ҳар доим ёз мавсуми бўлгани учун, у ёқдаги денигизлар доимо буғланади. Кўтарилиган бутлар ҳаво қатламидан чиқиб кета олмайди, чунки ҳамма нарсанинг низоми бор. Яқин тўрт минг метрга чиққанида тўхтайди. Шамол бўлмаса, улар яна экватор минтақасига ёмғир бўлиб ёғарди. Оқибатда бизнинг ерларга ҳеч қандай ёмғир ёки қор ёғмаслиги мумкин эди. Ёғингарчиликнинг бўлмаслиги қандай катта фалокат экани эса маълум.

Шамолларни яратган Аллоҳ уларга муаййан бир тезлик ва йўналиш беради. Шундай низом остида шамол отига минган булутлар мамлакатимиз устига келиб, раҳмат ва ризқ томчилари бўлиб ёғади.

Экватордаги булутларни ҳамда ўша минтақадаги шамолларни бизга хизматкор қилиб юборган, ер юзини улкан зиёфат дастурхони қилган Аллоҳ шукрчи инсон билан нонкўр кимсага ҳар хил ҳукм – бирига мукофот, бошқасига жазо бериш учун охиратни яратди.

Ёмғир ёғмаслиги фалокатdir, ёғаётган ёмғирнинг тўхтамаслиги яна фалокатdir. Ёмғирнинг томчилаб эмас, балки тарновдан тушгандек ёғиши эса,

учинчи бир фалокатдир. Раҳм ва саховат эгаси Аллоҳ бизларни бу уч фалокатдан сақлаб, ёмғирни раҳмат қилиб юборади. Бундай раҳмли ва сахий Аллоҳ золимларни жазосиз қолдирадими? Охиратнинг бўлиши, золимларнинг жазоланиши мўминларга раҳмат ва адолатдир.

Шамолда ҳам уч фалокат яширинган: соатига минг чақирим тезликда эсадиган бўронлар чиқса эди, ҳамма нарсани қоғоз парчасидек учириб кетарди. Эсадётган шамоллар тўхтамаса эди, мевалар пишмасди, сабзавотларнинг ҳам кўпи қуриб кетарди. Ёки, аксинча, ҳеч қандай шамол эсмаса, денгизлар бугланиб, ёмғирлар яна денгизнинг ўзига ёғарди, ҳаво ифлосланиб, шаҳарларда яшаб бўлмай қоларди, ўсимликлар чангланмай қолиб кетарди.

Ёгинларнинг ва шамолларнинг тизгини Ўзида бўлган Аллоҳ барча нарсага низом бериб, шу низомни давом эттираётир. Дунё низомининг давоми эса, охиратдир. (Дунё ва коинотни ниҳоятда аралаш-қуралашликлар ичидаги<sup>7</sup>, фавқу-

<sup>7</sup>Булутлар, ёмғирлар, чақмоқлар, яшинлар, момақалдироқ, туғилганлар, ўлганлар... Фасдан фасла га ўтиш, хасталиклар, йўқликлар... Урушлар, яраш-

лодда бир низом билан юритиб турган Аллоҳ қиёматнинг энг қўрқинчли қоришиқликларида абадий ҳаётни яратиб, адолатни ва шафқатини давом эттиради. Чунки ҳамма нарса Унинг аскаридир, тарқатади, тўплайди.)

Бошсиз-адоқсиз уммонларни яратган ва уларни маълум бир низомга бўйсундирган Аллоҳ уммонларда сув оқимларини пайдо қилиб қўйган. Худди Атлантик уммони томон бир ё икки чакирим йўғонликда қувурлар ётқизилгандек, экватордан бошланган голфистирим илиқ сув оқими Шимолий Амриқонинг ғарбий соҳилларига ёйилиб, то Оврупанинг шимолигача боради. Англияни ва Болтиқ денизи атрофидаги Дания, Норвегия, Швеция, Финландия мамлакатларини иситади, бу жойларни яшашга қулай ҳолга келтиради. Шунингдек, бу илиқ сув оқими билан бирга балиқ

---

лар... Ҳар бири бошқа олам бўлган денгизлар, қуруқликлар, юлдузлар, тоғлар, даралар, селлар... Ҳаёлларингизни яна қанча эркин қўйсангиз қўйиб юборинг, дунёнинг ҳақиқатан жуда катта қоришиқликлар ичida эканини кўрасиз. Бу қоришиқликларга қараб, ҳар нарсани йўқ бўляпти деб ўйлайсиз. Аммо ҳар қишдан кейин бир баҳор, ҳар кечадан кейин тонг бўлаётir. Аллоҳ низомини юритаётir.

оқими бошланади ва инсонлар яшайдиган жойга озуқа юборилади.

Роса совуқ бўлини керак бўлган олтминчинчи кенглик миңтақалариға мингларча чақирим узоқдан илиқ сув юбориб, у ерларни яшайдиган ҳолга келтирган Аллоҳ мозор эшигидан охиратта йўл очиб, бошқа бир оламда ҳам яшшимизни таъмин эта олади.

Бир хотира. Бандаргоҳга ёндошган кемадан соҳилни томоша қиласар эдим. Асрларча илгари қазилгани билиниб турган бир ариқчадан денгизга чиқинди сувнинг оқаваси келарди. Кичик-кичик тўлқинчалар бу ариқчанинг оғзига урилар, чекинар ва чиқинди сув яна оқа бошлар эди. Ўшанда мен асрлар бўйича денгизлар суви лоақал ўн сантиметр ҳам кўтарилимаганини такрор англаб етдим. Қанчадан-қанча дарёю ирмоқларни, ёқсан ёмғирларни ва денгизларга тўкилган бошқа нарсаларни ўйласак, мантиқан денгизлар сатҳи кўтирилиб кетиши керак эди. Аммо умумий низом денгизлар сатхини асрлардан бери бир хилда тутиб турарди. Фақат тўлқинларнинг бостириб келиши ва қайтиши ҳодисалари туфайлигина денгиз сатҳи кўтирилади ё пасаяди.

Холбуки, агар ой дунёмизга озгина яқин бўлса эди, денгизлар 17 метр тугул, 170 метрга кўтарилиб кетарди, одамлар гаштини сурадиган соҳиллар фалокат уяси бўлиб қоларди. Қолаверса, соҳиллардаги жуда кўп унумли ерлар сув остида қолган бўларди.

Иқлим ҳодисалари орқали денгизларни мувозанатда ушлаб, шамол ва тўлқинлар билан денгизларни тозалаб турган Аллоҳ ойни шундай бир масофага жойлаштирганки, ҳар жиҳатдан яшашимиз янада қулайлашган. Миттимитти инсонларга шундай улкан ойни хизматкор қилиб қўйган Аллоҳ худди шу инсонларга охират ҳаётини ҳам тайёрлаб қўйгандир.

Ҳар нарса ўлчовли экан, баъзи инсонларнинг ўлчовсиз хатти-ҳаракатлари албатта жазога лойикдир. Жазолар бажо этилиши ва адолатнинг юзага чиқиши учун ҳам охират керакдир.

Конга ўтган озуқалар қизил қон доначалари воситасида ҳужайраларга етказилади. Дунёнинг энг катта таъминот лашкари шудир. Ҳеч нарсага урилиб кетмасдан, ҳеч бир ерда тиқилиб қолмасдан ҳамма нарса жой-жойига бораётир.

Сүякларга бориши керак бўлган ҳамсий модласи мияга бориб қолса, мия тошга айланар эди. Бироқ бундай хатолар ҳеч ҳам содир бўлмаётир.

Касалликларнинг пайдо бўлиши ҳам инсонни яратган Аллоҳнинг иродаси биландир, чунки касалликларнинг ҳам жуда кўп фойдали жиҳатлари бор. Касаллик пайтида Аллоҳга шикоят этаётган инсон соғ пайтида шукр қиласр эдими? Соғлиғига шукр этмаганинг касаллигидан шикоят қилишга ҳаққи йўқ. Касаллик – ўз бошига ўзини хўжайин деб ўйлаб қолган одамларга уларнинг асл хўжайинлари Аллоҳ эканини эслатадиган бир танбеҳдир. Соғлиғига шукр қилувчи мўминлар касал пайларида шикоят қилсалар, онгли ҳолларига зид келади. Чунки улар касалликни берган Зотни биладилар ва касалликка ҳам шукр этадилар.

*Ҳар на хушдир Сендан келган:  
Ё ғунча гул ва ё тикан,  
Ё ҳаётдир ва ё кафан,  
Ўтинг-да хуш, нуринг-да хуш...*

Қизил қон доначалари шундай бир лашкар, ақли ҳам, илми ҳам бўлмаган

шундай аскарлардирки, борадиган жойларини жуда яхши биладилар ва инсон ақли етмайдиган ишларни қиласидилар. Масалан, қошингиздаги қилларнинг узунлигини ўлчанг-да, сўнгра уни қириб ташланг. Қошдаги қил ҳужайралари дарров ичакка: «Бу одам эсини еб қўйди, қошларини қириб ташлади, дарров озуқа юборинглар», деб хабар жўнатади. Ичаклар эса, ичларидаги озуқаларни бир грух қизил қон доначаларига юклайди-да: «Буларни тўғри ўнг қошга олиб боринглар», деб буйруқ беради. Чап қош эмас, қириб ташланган ўнг қошингиз ўса бошлияди. Ўсиб-ўсиб, аввалги узунлигига етгач, ўсишдан тўхтайди.

Ичаклардан қошга келган озуқаларни ўйлаб кўринг. Ҳаммаси тўпланса, иғнанинг учичалик ҳам бўлмайдиган майда ҳужайралар қилдай бир ажойиб санъат асарини яратишганини ўйланг... Кейин эса, қош қилларининг аввалги узунлигича ўсиб, сўнгра ўсмай тўхтаб қолганини ҳам тафаккур қилинг...

Бу ишларни фақат қизил қон доначаларига ёки табиатга ёхуд тасодифга ҳавола этиб бўладими? Ўлчов ва уйғунлик бўлган жойда тасодиф бўлмайди. Қоши-

мизга ҳоким бўлган Аллоҳ вужудимизнинг ҳам ҳақиқий эгасидир. Вужудимизнинг ҳақиқий эгаси бўлган Аллоҳ Ўзининг боқий сифатидан бизга абадият беради ва биз абадий яшаймиз.

Оқ қон доначаларига келсак, улар янада бошқача ва янада кучли лашкардир. Душманни таниш ва жангга амр бериш генералларнинг вазифаси бўлса, оқ қон доначалари ҳам «микроб» деб аталган душманни таниб, хужум буйруғини берадилар, жангга киришадилар. Дейлик, тирноғингизни бир оз чукурроқ кесиб қўйдингиз ва у ерга микроб кирди. Кесилган жойдан вужудга кирмоқчи бўлган микробларни оқ қон доначалари таниб олади ва дарров уларга қарши курашади. Лекин бақувват душман оқ қон доначаларини ўлдиради, бу ўликлардан жароҳат юзага келади. Вужудимизнинг ҳақиқий эгаси бўлган Аллоҳ танамизнинг ҳар ерига сезини қобилиятини жойлаштиргани учун жароҳат бўлган жой ачишиб оғриётганини ҳис этамиз. Танамизнинг ўша жойида кураш бўлаётганини билиб оламиз. Шунда биз ҳам жангга киришиб, ярали жойга йод суртиб, микробларни

ўлдирамиз. Шу билан оқ қон доначала-  
рининг кураши ҳам тугайди.

Соғлиғимизнинг энг катта душмани  
бўлган заарли микробларга қарши оқ  
қон доначалари номли игна учидан ҳам  
кичик ҳужайралардан лашкар тузган,  
улар ёрдамида сиҳатимизни давом эт-  
тираётган Аллоҳ охиратда ҳам ҳаётимиз-  
ни давом эттира олмайдими?!

Агар инсоннинг буйраги шамоллаб  
қолса, санчиқ, иситма, ҳолсизлик ту-  
файли дармони қочади. Бу нима дега-  
ни? Бу дегани буйрагимизни яратган  
Аллоҳ унга эгалик қилаётир, бизни бе-  
зовта этиб, касалликдан огоҳ қилаётир!  
Дарров шифокорга мурожаат қилиб,  
дардимизга дармон излаймиз.

Дейлик, табиб ташхисни янгиш  
кўйдию жигарни даволай бошлади... Бун-  
да танадаги безовталик тўхтамайди,  
яъни, иситма, санчиқ ва ҳолсизлик да-  
вом эставеради. Табиб ташхисини ўзгар-  
тиришга мажбур бўлади. Буйракни да-  
волай бошлиши билан бемор тетикла-  
тиб, оёқقا туради. Аммо оқ қон дона-  
чаларидан анчагинаси ўлган бўлади. Шу-  
нинг учун беморда мадорсизлик сези-  
лади, яъни, вужуд заифлашади. Энди бе-

мор дам олиши ва озиқланиши керак бўлади.

Эътибор беринг: озиқланиши лозим, деяпмиз. Яъни, бемор ҳар хил нарса ейди, у еган улук овқатлар унинг вужудида қайта тирилиб, оқ қон доначаларига айланади. Бу оқ қон доначалари эса, генераллик назари билан яна янги душманни кўриб-танийди ва жангта киришиб, соғлом бўлишимиз учун ўзига юкланган вазифани бажаришга киришади.

Бу ишлар ҳаммаси вужудида кечеётганини билган инсон ўлганидан сўнг қайта тирилишига ишонмайдими?!

Жоҳил одам Аллоҳ берган ақдни хато ўринларга қўллайди, динни старлича ўрганмайди, англай олмайди ва тўғри яшай олмайди. Натижада дунёси ҳам, охирати ҳам жаҳнам бўлади.

Исломиятни юборган Аллоҳ бу динни англашимиз учун бизларга ақл берди. Дин ва ақл Аллоҳнинг лутфи бўлиб, улар бир-бирига муносибdir. Инсон ақли исломиятни англай олади. Англамаслик ҳаракатсизликнинг оқибатидир. Масалан, геометрия дарсларини ўқимаган инсон учбурчакка оид исботларни билмайди. Диний илмлар билан шугул-

ланмаганлар ҳам исломиятни била олмайди ёки тушуна олмайди. Бугун ўқимишли одамлар орасыда диний илмларни физикани ўргангандек жиддий ўрганаётган одамлар жуда кам. Аммо шуниси ажабланарлики, Ислом илмини ўқимасдан, ҳаракат қилмасдан ҳам билса бўлади, деб ўйлашади, аммо бунинг иложи йўқ. Мўмин Аллоҳнинг сифатларини ўрганиш билангина охиратга ишона олади. Масалан, Аллоҳнинг «Кудрат» сифатига ишонган бир одам таянчсиз турган осмон жисмларига қараса, улардаги туганмас қувватни кўрса ва уларнинг ўзаро алоқаларини англаса: «Бу осмон жисмларини яратган, уларга битмас-туганмас қувватлар берган ва уларни бир-бирига маънан боғлаб қўйган Аллоҳ, албатта, охиратни ҳам яратгандир», дейди, таҳқиқий имонни қўлга киритади.

### *Бошқа бир олам бор*

Бошқа бир олам борки, инкубаторга қўйилган тухумлардан йигирма бир кун кейин ўрдак ва товуқ жўжаси чиқади. Чиқибоқ, ўрдак жўжаси дарров сувга ту-

шиб, сузив кета олади. Катта товуқ суза олмагани ҳолда, янги тухумдан чиққан ўрдак боласининг сузиши кўрсатадики, бошқа бир олам бор ва у оламда ўрдак сузиши ўрганган, шунинг учун тухумдан чиқасолиб суза бошлайди.

Бошқа бир олам борки, тухум маҳсус воситалар ёрдамида расмга олинса, харитага ўхшаш бир шакл кўринади. Агар тухумни силкитиб, у шаклни бузсак, жўжа чиқмайди, бузмасак, жўжа чиқади. Тухум ичига бир товуқни тумшуғи, қанотлари, оёқлари ва ички аъзолари билан жойлаштира олган Зот бу оламнинг бизга кўринмас ёнига охиратни ҳам жойлаштиргандир. Ўлган инсон кўриш хусусиятларининг ўзгариши туфайли охират оламини кўра олади. Бизнинг эса кўриш имкониятларимиз торлигидан кўриш соҳамиздан ташқарида қолаётган бир қанча нарсалар бор, улардан энг аҳамиятлilари охират, малаклар ва лавҳи маҳфуздир.

Бошқа бир олам борки, катагидан чиққан ари учиб, юзлаб метр узоқликларга кетади, гулни осонгина топади, зарур моддаларини олиб келиб, асал қилади. У қилган асални асримиз олим-

лари ясай олмаяптилар, аммо геометриядан бехабар бу ари мумкатақларини олти бурчак шаклида ва чуқурликларини ҳам бир хилда ясаётир. Геометрия ўқиган бугунги ақлли инсонлар тенг олти бурчакларни асбобсиз чиза олмайдилар. Демак, ари бошқа бир оламда таҳсил кўрган, илҳом олган, келиб, билганинни бу оламда татбиқ қилаётир.

Ҳар қушнинг уяси ҳар хил бўлади. Масалан, булбул пайпоқ шаклида уя курса, қизилиштон дараҳт таналарига уя ясайди. Курилиш муҳандислари уя қурган ҳайвонларнинг ҳам санъаткор эканларини тан олиб, бошқа олам борлигига ишонадилар. Чунки ҳайвонлар такомиллаштириш учун дунёга келмайди. Улар маълум билимлар билан дунёга келиб, ўргантганларини бажариб, бошқа бир оламнинг борлигини исбот этиб кетади. Пилласини ўраётган ипакқурти, уруғларини бошқа денгизга ташлаган балиқлар, озиқ топиш учун тўр тўқиётган ўргимчак ва ўн минглаб уруғлари билан наслини давом эттираётган қурбақалар коинотни яратган Аллоҳнинг умум низоми остида ҳаракат қиласиди, ҳаёт кечиради.

Бошқа бир олам борки, түшдә оёқсиз кезиб, құлсиз турли ишлар қиласыз. Құзимизни очмасдан күрамиз ва жуда қисқа бир вақт ичида жуда узун умр күрамиз. Оғзимизни очмасдан гапирамиз, емасдан лаззат оламиз. Түшларда құрқамиз ва севинамиз. Баъзи түшларымиз маълум бир замондан кейин ўнгидан келади. Демак, бошқа бир олам борки, вужудимиз түшакда ётса ҳам, рұхимиз билан юрамиз, охиратта ўхшаган ҳаёт ичида яшаймиз. Бошқа бир олам борки, у ерда турли ҳодисаларга тартиб берилади, туңда эса, бизга күрсатылади ва ўша воқеалар маълум бир вақтдан кейин юзага чиқади. Данак ичига бутун бошли дарахтни яширган Аллоҳ бу дунёда бўладиган ҳодисаларни бошқа бир оламда яшириб, вақти келганида уларни юзага чиқара олади.

Бошқа бир олам борки, ёғаётган қор учқунларида жимжимадор шакллар күринади. Она қорнида покиза бир чақалоқ тайёрланади ва дунёга юборилади. Қон билан сийдик орасидан сут каби тоза озуқалар келади.

Үйдаги ҳисоб-китоб бозорга түфри келмайди, дейдилар. Шунга ўхшаб, баъзи

ҳодисалар бизнинг иродамиздан ташқарида юз беради. Иродадан ташқари бўлган ҳодисаларда ҳам умумий низом бор. Тасодиф дейилаётган ҳодисалар бошқа бир олам орқали дунёмизга юборилаётган режалар эканини англаш қийин эмас.

Бизга ирода берган Иродаи Куллийа иродамиздан ташқарида кўпгина аъзоларимизни ишлатади, иродамиздан ташқарида ҳаётимизга янги-янги шакллар беради. Баъзида одамлар: «Эртанги кунлар номаълум», дейишади. Бизга номаълум бўлган нарсалар Аллоҳга маълумдир. Шунинг учун баъзи тушлар ўнгидан келади.

Оlamda инсон билмаган жуда кўп нарса бор. Ҳар бир нарсани яратган Зот ҳар бир нарсани Ўзи билади. Илм Аллоҳнинг сифатидир. Миямизни яратган Аллоҳ бизга илмнинг бир қисминигина берган, холос.

Инсоннинг кўрмаслиги ва билмаслиги кўрмаётган ва билмаётган нарсасининг йўқлигига далил бўла олмайди.

Охиратни йўқ деган, руҳни инкор этган инсон ўзининг нодонлигини намойиш қилган бўлади.

## **Шерлар ва илонлар ҳам хизматда**

Болаларнинг ички аъзоларига ҳам тартиб ва танзим берган Аллоҳ уларнинг эгаси сифатида оналарини болаларига хизматкор қилиб қўйди. Шу пайтгача ҳеч бир илон ўз боласини заҳарламаган, ҳеч бир бўри ўз боласини емаган. Оч шер қонли кўзлари билан ов ахтаради, аммо ёнида янги туғилган ёш боласини емайди, аксинча, керак бўлса, ҳаётини хавф остига қўйиб, бошқаларга ҳам едирмайди. Аллоҳ ҳар турли онага шундай шафқат берганки, боласига хизмат этишдан завқ олади.

Она бомдод намозига уйғона олмай қолиши мумкин, аммо бир кечада боласи учун бир неча марта уйғонади, уф ҳам демайди.

Бугун оналарнинг шафқати бир жойга тўпланса, Аллоҳнинг шафқати олдида уммондан бир томчи бўлади, холос. Зотан, оналарга шафқатни берган ҳам, болаларни яратган ҳам Аллоҳдир.

Сувсизликдан барглари қовжираб қолган ўсимликларга ризқ қилиб булутларни юборган Аллоҳ, болаларни оналарнинг шафқати соясида ўстирган ва

уларнинг бутун ризқларини ғайб хазиналаридан юбориб турган Аллоҳ, тупроқ ва сувлардан ризқлар яратган Аллоҳ охиратни яратмаслиги ҳеч мумкинми, ахир?!

Оналарга шафқат туйғусини берган Аллоҳ бизни севгандаримиздан абадий айириб қўйиши ва йўқликка юбориши ҳеч мумкинми?!

Оналарга шафқат ҳиссини берган Шафқатли Раббимиз мўмин кулларига бундан ҳам гўзал бир олам бериш учун уларни ўлим паттаси билан охират саройига чорлаётир.

Ер юзини бир зиёфат дастурхони қилиб яратган Раззоқи Карим бу неъматларнинг ҳақиқийини бериш учун шукр қилганларни жаннат боғларига даъват этаётир.

Яна, ер юзини бир шифохона каби яратган Шофии Карим хасталик азоби тортаётган мўминларни хасталик бўлмайдиган охиратта чақираётир.

Ичларидаги севги туйғуларини Аллоҳни ва Аллоҳнинг севгандарини севиши билан қондирадиган мўминларни Пайғамбаримиз бошлиқ бутун пайғамбарлар, саҳобалар, имомлар, авлиёлар,

асфиёлар, устозлар тўпланган мажлисларга ўлимни қўлларига бир патта қилиб йўллаб, “Севганларингиз билан танишинглар!” дея марҳамат қилаётir.

Аллоҳнинг абадий низоми бўлган ҳалол доирасида аъзоларини ишлаттандарга жаннатни мукофот қилиб бераётir.

Оддийгина тиш чўткасиининг қилларини ясаш учун катта-катта фабрикалар қуриляпти, Аллоҳнинг қудратига қарантки, бошимиз устига игнанинг учидай кичик ҳужайралардан соч толаларимизни яратяпти. Сочларимизни яратган Аллоҳ охиратни ҳам яратиб, дунёда иши битганларни у ёқقا жалб этаётir.

Энг қийматли олатларни ва жиҳозларни ўйлаб топувчи мияларимизни яратган Аллоҳ охиратни ҳам яратиб, бу мияларимизни (ақлларимизни) яхшиликами ё ёмонликами ишлатганимизни муҳокама қилиш учун инсонларни охиратга даъват этаётir.

Данакка дарахтнинг ҳоли ва ҳар шаклини — гулинни, рангини, мазасини ва ҳидини жойлаштирган Аллоҳ амал дафтари мизга ҳам ҳар ҳолимизни, ҳар тавримизни, ҳар сўзимизни битиб,

ҳаётнинг ҳисобини сўраш учун қулларини ўлим фармони билан охиратга олаётир.

## *Сарой ва унинг мезбони*

Бу оламни бир сарой каби яратган, оёқларимиз остига гулларни гиламдек тўшаб қўйган, осмон қуббасини шифт этиб, қуёшни қандил, юлдузларни шамчироқ қилиб осган ва бу саройда энг гўзал зиёфат дастурхонларини ҳозирлаб, ҳамма нарсани инсонга хизматкор этиб қўйган Аллоҳ жаннатдек ажаб бир дунёни жаҳаннам қилиб олмаслигимиз учун пайғамбарлар юборди.

Ҳа, агарда бугун биз жаннатдек бу дунёни ўзимизга жаҳаннам қилиб олмаган ва ичкилик, қимор, зино каби фалокатлардан узоқ юрган бўлсак, бунга пайғамбаримиз Ҳазрати Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) исломиятни етказиб беришдек шарафли хизматлари сабабчидир. Гуноҳлар селдек оқаётган бу асрда, масалан, йигирма ёшли бир йигитнинг ароқ ичмай юриши исломиятнинг мўъжизасидир.

Зоҳиран чиройли кўринган бу дунё-

нинг энг чиройли жойларида жуда катта гуноҳлар қилинади. Инсонлар қўлларида мўл имконлар-ла кўп гуноҳлар қилиб жаҳаннамга кетмасин деб икки олам сарвари Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) юборилдилар, дунё ва охират саодатининг асослари тушунтирилди. Албатта, оламларга раҳмат бўлган Пайғамбаримизга итоат этганилар билан исён қилганиларни фарқлаш ҳамда ҳақиқий адолатнинг юзага чиқиши учун охират яратилгандир.

Инсонлар яхшиларга ва ёмонларга ажралиб, гўё ёнма-ён икки дарёдек оқаётirlар. Бу икки хил дарёга икки хил денгиз лозимки, бири жаннат, иккинчиси жаҳаннамдир. Демак, яхши ва ёмон инсонларнинг борлиги охиратда бир-бирига эид жаннат ва жаҳаннамнинг борлигига далилдир. Бу дунёда маҳкамалар (судлар) бор. Бу маҳкамаларга адолат истаб ҳақлилар ва ноҳақлар оқиб келаётir... Мозорлар ҳам ҳақли ва ноҳақлар билан тўлаётir. Демак, қабр эшигидан ўтиб, охират саройига етажаклар ва у ерда мутглақ адолат юзага чиқсин учун муҳокама этилажаклар.

611 йили ёлғиз «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ваҳийнинг илк кунида якка ўз-

лари мусулмон эдилар. Дунё тўла кофи-  
ру мушриклардан шу битта Мусулмон-  
ни ҳимоя этган, шу битта мусулмон са-  
баби ила милёнлаб мусулмонларнинг  
майдонга келишини таъминлаган ва  
уларнинг маънавий елкаларида салта-  
натлар қурдирган Аллоҳ жалла жалалуху  
шунча хизматлар беҳуда кетмаслиги  
учун охиратни яратди. Ўн тўрт асрдир,  
бошда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алай-  
ҳи ва саллам), сўнгра саҳобалар, имом-  
лар, авлиёлар, асфиёлар, олимлар ва ус-  
тозлар хабар берган охират бордир. Ту-  
хумдан жўжанинг чиқиши каби... она  
қорнидан дунёга келишимиз каби... ва  
уйқудан уйғониш каби, бир куни бу  
дунё ҳаётидан охират ҳаётига ўтажакмиз.

Ўлим чиркин бўлса эди, Пайғамбари-  
миз ўлар эдиларми?! Ўлим севганларимиз-  
га етишмоқ учун энг чиройли сафардир.

## *Энг катта лашкар*

Ҳар шаҳарнинг сув омбори бўлади. Кү-  
вурларни бир-бирита улаб, тўғонлар ёки  
кўллардан сув олиб уйларга юборилади.

Юракдан олинган қон ҳам танамиз-  
даги томирлар орқали бутун вужудда

кездирилади, сўнг такрор юракка келтирилади. Яъни, шаҳарларининг сув омборлари ўзидан-ўзи пайдо бўлмаганидек, қон томирлари ва юрагимиз ҳам ўзидан-ўзи пайдо бўлган эмас. Уларни табиат ҳам яратгани йўқ. Чунки инсондаги санъат табиатдаги санъатдан орқада эмас, балки устундир.

Дунёда жуда кўп шифохоналар, лабораториялар ва шифокорлар бор. Лекин улар ҳалигача қон ишлаб чиқара олгани йўқ. Ҳар қандай инсоннинг қонини Аллоҳ яратиб, томирларга тўлдиради ва уларни юрак билан юргизади. Юрагимизни яратган Аллоҳ унга ҳаракатни ҳам йўзи бергандир. Шунинг учун таққа тўхтаган юракларни юргизиб юборишнинг имконияти йўқ. Аллоҳ энг фақир инсонга ҳам юрак каби жуда қимматбаҳо бир жиҳозни текинга тақдим этган. Ким шундай қила олади? Ана, гиббий амалиётлар ёрдамида алмаштирилаётган тана аъзолари нақадар қиммат товарга айланганини кўринг. Ақли, илмли ва зеҳнли инсонлар аъзоларининг қадр-қимматини билишилари, бу аъзоларни вужудимизга ато этган Аллоҳга имон келтириб, Унга итоат қилишлари лозим. Модомики Аллоҳ «Охи-

рат бордир» деган экан, демак, аъзоларимиз борлигига ишонганимиздек, охиратнинг борлигига ҳам ишонишимиз шарт. Чунки ҳар бир аъзога айри-айри иш қилдириган Зот бошқа бир оламни ҳам кура олади.

Ер юзидағи дарёлар ҳаётнинг зоҳирий сабаби бўлганидек, қонимиз ҳам вужудимизда ҳаёт дарёси каби оқмоқда. Ҳужайраларимиз ва аъзоларимиз унинг соясида ҳаётини давом эттироқда.

Инсон қанча овқат емасин, овқатлар нақадар турли-туман бўлмасин, бари ошқозонда ҳазм бўлиб, ингичка ичаклардан ҳазм найчалари орқали қонга ўтади. Инсон ярим кило кабоб еса ҳам, юз грамм еса ҳам, вужуд ўзи талаб қилганича қисмини олиб, қолганини чиқариб тапширайди. Энг кичик жисмларга энг катта ўлчов жойлаштирилган...

## *Нега мусулмонлар орқада қолган*

Баъзан кофир мусулмондан ва куч хақдан ғолиб келишига сабаб нима?

Чунки мусулмон доим ҳам Исломга мувофиқ яшамаганидек, ғайримуслим-  
62

нинг баъзи ҳоллари Исломга уйғун келиб қолади. Масалан, илм олиш, ҳаракатчан бўлиш, ҳунарда илғор юриш мусулмоннинг ҳаққи бўлгани ҳолда мусулмон кўпинча шу ва шунга ўхшаш соҳаларда орқада қолиши, ғайримуслимлар эса илгарилаб кетиши мумкин. Шунда ғайримуслимлар устун, мусулмонлар орқада бўлади. Дикқат қилинса, бу ерда устун ғайримуслимнинг ўзи эмас, балки илм, ҳаракатчанлик ва ҳунардир. Булар эса ҳақдир. Демак, бевосита ботил эмас, балки ботил эгаллаган «ҳақ сабаблар» устун бўлади. Бу ҳоллари ҳам ўткинчи бўлади. Мусулмонлар исломиятни ўрганиб, англаб яшасалар, ҳақ сабаблар билан ҳақ аҳли бирлашади ва устунликка эришилади.

Илм, ҳунар ва ҳаракатчанлик каби сабаблар жамиятни кучли қиласди. Лекин ҳақ сабаблар шулардангина иборат эмас. Устунликда куч-куватнинг ҳиссаси бор, аммо ҳақ томонда бўлганинг ҳиссаси яна ҳам каттадир. Шу боис бу орқада қолиплар мусулмонларга қамчидир. Бу қамчи билан ўзига келган, исломиятни яшай бошлаган мусулмонлар яна илмда, ҳунарда, тараққиётда илгари кетажаклар.

Аллоҳнинг меҳрибонлиги ҳамма жойга бир хил ёқсан ёмғирга ўхшайди. Агар олма дараҳти мева тутмаса, бунга унинг ёмғирдан егарлича фойдалана олмагани сабаб бўлади. Олмадан қийматсизроқ бўлган қўзиқорин эса, ёмғир ёрдамида танасини озиқлантириб, чиройли бир ҳолат ола билади. Агар бир мусулмон фақат ибодат мевалари билан безантан бўлиб, бошқа бир гайримуслим ҳаётининг шохларини ширин сўз, очиқ чехра, ёрдамлашиш ва тозалик каби мевалар билан безаган бўлса, гайримуслим омадли, мусулмон эса омадсиз бўлади. Чунки Аллоҳнинг буйруқ ва тақиқлари бир ҳикматдир. Ҳикматлар замон, жой ва шахсга кўра ўзгармайди. Ким Аллоҳнинг буйруқларини бажариб, тақиқларидан қочса, у муваффақият қозонади. Бу сирга бўйсунмаган инсон ютқазади. Айтадиларки: «Аллоҳнинг лутфи умумийдир. Кофирлар ҳам бу лутфдан фойдалана олади». Масалан, намоз ўқиш Аллоҳнинг амри бўлса, ҳавонинг сиқилиши, сувнинг кўтарилиши, электр энергиялари ҳам Аллоҳнинг қонунидир. Биринчиси «Ташрий авомир», иккинчиси «Шаръий таквин» дейилади. Оддий тил билан айтадиган бўлсак, намоз, рўза каби ибодатлар таш-

рийи авомир, яъни, қонун ҳукмидаги буйруқлар, шаръий тақвина эса яратилишга оид қонунлардир. Шаръий тақвиннинг бир қисми «табиат қонунлари» ҳам дейилади. Фарангистонда пайдо бўлган натурализм оқими инкор томонга адашгани учун янгилишдир. Аслида, табиат қонунларининг ҳаммасини Аллоҳ яраттан.

Биз мусулмонлар намоз, рўза каби амрларга тобеъ бўлсаг-у, атом, электр, сув ва тупроққа оид қонунларга бепарвоник билан қарасак ёки янгилиш англасак, Аллоҳнинг айрим буйруқларига эргашиб, бошқа амрларига эргашмаган бўламиз. Намоз ўқиб, рўза тутадиган мусулмон мазкур хусусияти билан гайри-муслимдан устун туради. Физика, кимё ва шунга ўхшаш илм соҳаларидаги қонунларга эргашган гайrimuslim эса, бу хусусда мусулмондан муваффақиятлироқ бўлади. Энг тўғри иш намоз ўқиб, рўза тутганимиздек, физика, кимё китобларида ёзилган қонунларни тушуниб, уларни ҳам ҳаётимизга татбиқ этишидир. Ўқув китобларида ўрин олган Аллоҳнинг қонунларини Далтон, Кеплер, Марйот ва Нуйтон исмли илм олимлари кашф этган, холос. Қонунлар-

га уни топган олимнинг исми берилди. Илм одамларини тақдирлаймиз, албатта. Лекин илмий китоблардаги бутун қонунлар Аллоҳга тааллуқли эканини унутмаслигимиз керак. Илм-фан китоблари Раббимизнинг сифатларини англатади. Демак, намозини ўқийдиган бир мусулмоннинг илмий китобларни ўрганиши ҳам ибодатdir.

Аслида мусулмонлар олиҳиммат, жувонмард бўлиши керак. Аммо кўпларимизнинг худбинлигимиз исломиятимизни емира бошлади. Кўпларимиз ўзимизни, уйимизни, қариндошларимизни ўйлаймиз, холос. Таракқиётни, жамиятни ўйлайдиганлар жуда озчиликни ташкил этади.

Ҳолбуки, исломият худбинлик эмас, балки инсонпарварлик, жувонмардлик асосига қурилгандир.

Кўпгина диндорлар ҳаётдан завқ олмаётганини айтади. Булар худбинликнинг асири бўлган кимсалардир. Асиrlар ҳаётдан завқ олмайди. Худбинлик асосидаги ибодатлар инсонга завқ бермайди. Аллоҳнинг «Сомад» сифати бор. Сомад — ҳеч нарсага муҳтоҷ эмас, барча нарса унга муҳтождир, деган маънони ифода этади.

Мўмин имкони борича жувонмард бўлса,  
бу сифатни жузъий маънода яшайди.

Аллоҳ ёмон нарса яратган эмас. Аммо Аллоҳ яратган нарсаларни яхши тарафга ҳам, ёмон тарафга ҳам қўллаш мумкин. Узумдан шарбат ҳам, шароб ҳам тайёрлаш мумкин.

Худбинлик ҳам, аслида, узум каби маъсум ва фойдалидир. Худбинлик туфайли тараққиёт бўлиши мумкин. Худбинликни заарали ёки фойдали йўналишда қўллаш инсоннинг ихтиёрида. Муштарак ҳаракатлар ичидаги шахсий манфаатимизни таъминлай олаётган бўлсак, худбинлик яхши. Аммо якка ҳаракатларда худбинлик заарлидир.

Бошқача айтганда, ҳаром доирадаги худбинлик заарлидир, ҳалол чегаралар ичидаги худбинлик эса, муштарак бир ҳаракатни ҳам ўзига асос қилиб олса, дунё ва охиратнинг саодатига сабабчи бўлади.

## МУНДАРИЖА

Йўллов .....	3
Ҳаёт нимадир? .....	5
Ўлимнинг ўзи бир борлиқ .....	13
Тошлар ҳам тирилади .....	15
Ҳужайрада ҳаёт .....	18
Бир қозонда қирқ хил таом .....	24
Дунёдаги энг катта ширкат .....	25
Томсиз фабрикалар .....	27
Тупроқда, ҳар нарса яратиляпти .....	28
Гўнглар тириларкан .....	31
Икки ўлик битга тирикка айланмоқда ..	32
Абадият музейи .....	34
Йўқлик йўқдир .....	36
Барча нарса Аллоҳнинг аскариидир ..	38
Бошқа бир олам бор .....	50
Шерлар ва илонлар ҳам хизматда .....	55
Сарой ва унинг мезбони .....	58
Энг катта лашкар .....	60
Нега мусулмонлар орқада қолган? .....	62

«КО'НІ NUR» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш. Муқимий кўчаси, 178.  
173-сонли буюртма. Адади 3000.